БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 7 (2555) | 10 январь, жума, 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Тошкент электр машинасозлиги тиқ сифатли электр пайвандловчи даги суратда: пешқадам монтажчи В. Коршиков электр машинасини ремонтдан чиқараяпти.

Ўзбекистон трактор-йиғув заводи дарбозасидан чиқиб республикамиз колхоз ва совхозлари далаларига йўл олаётган тракторларнинг охири кўринмайди. Пастдаги суратда: қорхона йиғувчи слесарлари (чапдан) В. Калимов, Р. Юсупов ва Х. Рихсиев ўр-тоқлар қишлоқ хўжалик артеллари учун жўнатилаётган агрегатларни сўнгги бор кўздан кечиришаяпти.

В. Сироткин, И. Глауберзон ва М. Нуриддинов фотолари.

заводи коллективи ойига 900 дан ортмашиналар ишлаб чиқаради. Юқори.

САБЗАВОТЧИЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ХИМИЯ ВА ҲОСИЛДОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН полиз, сабзавот экинлар ва картошка илмий-текшириш институтининг коллективи самарали ижодий изланиш олиб боришяпти. Уларнинг ақл-заковати, меҳнати билан бирқанча янги кимёвий ўғитлар кашф қилинди. Қуйида ана шуларнинг айримлари, уларнинг хусусиятлари ва афзалликлари ҳақида қисқача тўхталамиз.

КУМИР КУКУНИДАН... ЎҒИТ

ИНСТИТУТ ходими, биология фанлари доктори Галина Ивановна Аболина ана шундай ўғит олишнинг кашфиётчисидир. У оддий кўмир кукунида гумин кислотаси борлигини аниқлади. Шундан сўнг кўп ўтмай ундан сифатли ўғитлар тайёрлаш усулини топди. Бундай ўғитлар гумин ўғитлари деб аталади. Уларни ишлаб чиқариш республикамиз химия саноати корхоналарининг бирида йўлга қўйиляпти.

Бу ўғит сабзавот, полиз экинлари ва картошка экиладиган майдонларга сепилганда яхши натижалар берди. Картошка, карам ва қовун ҳосилини ҳар гектар ерда 60 центнергача оширди.

ПЛЕНКАДАН ЕПИЛҒИ

ҚИШЛОҚ хўжалик фанлари кандидати Владимир Яновлевич Волковдан «Парник хўжалигида ойна ёки пленка ёпилғисининг қайси бирини ишлатиш афзалроқ?» деб сўрасангиз, у ўйлаб ўтирмай:

— Албатта, пленка ёпилғиси яхши, — деб жавоб беради.

Ҳа, бу жуда асосли жавоб. Чунки ойна анча дефицит, бунинг устига қиммат, унинг нархи пленканикига қараганда олти баравар ошиқ туради. Унинг энг катта камчилиги шундаки, ультрабинафша нурларини ўтказмайди. Бу парник хўжалигидаги нўчатларнинг нормал ривожланишига маълум даражада халақит беради. Ойна ёпилғиси ўрнига арзон полиэтилен пленкаси ишлатиш хўжалик учун анча фойдали. У ультрабинафша нурларини яхши ўтказади.

Ана шундай пленка ёпилғи сифатида фойдаланилаётган парник хўжаликларида оддийларига қараганда 20-25 процент кўп ҳосил олиняпти. Бунинг устига унинг таннархи ҳам анча арзон тушмоқда.

ГЕРБИЦИД ЕРДАМ БЕРДИ

ИККИ гектарлик майдонга сабзи сепилган. У жуда иннинг экин. Бир ҳафта ўтди, иккинчиси бошланди. Лекин сабзиларнинг нўнаришидан дарак йўқ. Бунинг ўрнига турли хил ёввойи ўтлар тепага бўй чўзган, ҳаммаёқни тутиб кетган.

Нима қилиш керак? Культиватор ердамида ҳамма ёввойи ўтларни юлиб бўлмайди, қўлда юлиш эса янада машаққатли. На чора, бошқа илонж йўқ. Шунга мажбур бўласан. Бир гектар сабзи экилган майдондаги ёввойи ўтларни юлиш учун колхозларда 50 меҳнат куни сарфланаяпти.

Бу ерда ҳам химия сабзавотчиларга қўл келади. Институтимиз тайёрлаган симазин ва атразин препаратлари бу ишни тубдан енгиллаштиради. Бу препаратлар экин майдонига пуркалади. Бир гектар майдонни пуркаш учун бор-йўғи икки соат сарф қилинади. У барча ёввойи ўтларни қириб ташлайди. Ана шундан кейин сабзи бақувват бўлиб нўнарабошлайди.

Ҳозирча бундай гербицидлар жуда кам. Улар тажрибада синаб кўриляпти. Бундай препаратларни кўплаб ишлаб чиқариш ҳа демай йўлга қўйилади.

Н. СКВОРЦОВ,
институт илмий ходими.

Қалб ҳарорати

Темирчилик цехи қун-суронли бўлади. Аммо ҳозир бу ерда пашша учса эшитилади. Ҳамма тушлик овқатга чиқиб кетган. Фақат цехнинг бурчагида алланиқ пресс босқонини синчиклаб текширади. У энкайган кўйи қўлидаги ключ билан босқоннинг болтларини бўшатиб, яна тортиб кўради. «Уҳ, топдим» дейди у пешона терини енги билан артар экан, енгил тортиб.

— Ҳорманг уста, овқатга ҳам чиқмабсиз.

— Овқатга улгурамиз. Мана бу босқон жиндай тихирлик қилаётганди тўғрилаб қўйдим, иш тўхтамасин дейман-да,—у бизга мойли қўлларини эгиб, билагини тутди.

... Рўзибой Миралимовнинг «Средазуголь» комбинатининг юк ортиш-туширш бошқармаси депосида темирчилик қилаётганига 15 йилдан ошди. Шу давр ичида у ўз касбининг ипидан игнасигача билиб олди. Деподагилар Рўзибой одатда, шов тўғрисида гап кетганда «у металлнинг тилини билади» дейишаётганини ҳам Рўзибой печь ичидаги металлнинг рангига қараб, унинг қай даража юмшаганлигини аниқлай олади.

Смена охирида иш якунланади. Рўзибой Миралимовнинг фамилияси қаршисида 180 рақами турибди. Демак, Рўзибой смена топшириғини 180 процент адо этибди!

Рўзибой Миралимов етти йиллик планни аллақачоноқ бажариб қўйган. Шу кунларда у 1966 йил ҳисобига ишламоқда. Ўнлаб рационализаторлик таклифларининг автори.

Қалби ўзи тоблаётган пўлатдек қайноқ бу йигитни депо коллективи ҳақли суратда ҳурмат қилади.

Ҳа, у шу ҳурматга лойиқ ишлаяпти. Коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшаш намунасини кўрсатаётир.

Н. КОБЗЕВ.

Оҳангарон.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

1964 йилда колхоз ва совхоз кадрларининг илғор хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши новаторларининг тажрибаси асосида ўқишини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қабул қилган қарорда республиканинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1963 йилда колхоз ва совхоз кадрларини пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришнинг ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини оширишнинг илғор усуллари асосида ўқитиш соҳасида кўп иш қилганликлари таъкидланади.

Республика ва область миқёсида ташкил этилган илғор тажриба мактабларида пахтачилик ва маккажўхорикорлик бригадаларининг бошлиқларидан, сабзавоткорлардан, чорвачилик ходимларидан 8410 киши ўқиди. Қисқа муддатли курс ва семинарларда 78350 колхозчи, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари шуғулланди.

Ғўза қатор ораларини ишлаш ва пахта ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишда илғор иш усулларини, илғор хўжаликлар ва қишлоқ хўжалик новаторларининг иш методларини ўрганишга катта эътибор берилди. Бу ҳол колхоз ва совхозларда комплекс механизацияни кенг жорий этишга, ердан, техникадан, ўғитдан тўғри фойдаланишга, экинлар ҳосилдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини камайтиришга имкон берди.

Илғор тажриба мактабларида олинган билимлар амалда қўлланилиши туфайли колхоз ва совхозларда Валентин Тюпко, Турсуной Охунова, Жавод Кўчиев, Меликўзи Умрзоқов, Маннон Жалолов, Любовь Ли, Анастасия Чудная ва бошқа новаторларнинг юзлаб издошлари етишиб чиқди.

Шу билан бирга Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1963 йилда колхоз ва совхоз кадрларини ўқитишда жиддий камчиликлар юз берганлигини ҳам қайд қилдилар.

Илғор тажриба мактабларига кўпинча ихтисоси мактаб профилига мувофиқ келмайдиган ходимлар юборилди. Кўп ҳолларда хўжаликларда эришилган илғор тажрибани амалий жиҳатдан ўрганишга тегишинча эътибор берилмади. семинар машғулотлари етарли тайёргарликсиз ўтказилди, чорвачиликдаги оғир ишларни механизациялаш масалаларига кам эътибор берилди.

Қарорда шу нарса қайд қилиндики, қишлоқ хўжалик кадрларини ўқитишда агрохимия асослари етарли ўрганилмади, бунинг оқибатида кўпгина колхоз ва совхозлар олган минерал ўғит кўзланган самара бермади. Шунингдек деҳқончиликда ва чорвачиликда бошқа химиявий воситалардан ҳаммавақт ҳам оқилона фойдаланилмади. Бу жиддий камчиликлар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларида жуда тўғри кўрсатиб ўтилди.

Область партия комитетлари, ишлаб чиқариш бошқарма партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими давлат комитетининг энг муҳим вазифаси—қишлоқ хўжалик кадрларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида, илғор хўжаликлар ва колхоз, совхоз ишлаб чиқариши новаторлари тажрибаси асосида ўқитишни кенг йўлга қўйишдан иборат. Қишлоқ хўжалигининг ҳамма ходимлари албатта агрохимия, комплекс механизация, ирригация асосларини билишлари шарт. Чунки бу билимлар асосини эгаллаш минерал ўғитлар, заҳарли химикатлар, гербицидлар, дефолиант ва дессикантлардан самарали фойдаланишга йўл очиб беради. Шунингдек, суғориш тармоқларидан ва қишлоқ хўжалик техникасидан ҳар бир колхоз ва совхозда оқилона фойдаланиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини янада кўпайтириш, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, экономикаси заиф хўжаликларнинг қолоқлигига хотима беришга имкон туғдиради.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалик кадрларининг агрохимия асослари ўқувини КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида уюштириш, қишлоқ хўжалигида химиявий препаратлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш вазифасини юклади, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигининг партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалик ходимларига, шунингдек колхозчилар ва совхоз ишчиларига қишлоқ хўжалигини химизациялаш асосларини оммавий равишда ўргатиш юзасидан ишлаб чиққан плани маъқулланди.

Ўрта Осиё машина-синаш станциясидаги, Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Политотдел» колхозидаги, Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг «Красний водопад» тажриба базаси ҳузуридаги илғор тажриба республика мактаблари 1964 йилда ҳам ишини давом эттиради. Бундан ташқари, Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Полярная звезда» колхозида, Қорақалпоғистон АССРдаги «Маёёб» совхозида, Андижон областининг «Гулбоғ» совхозида, Хоразм область, Гурлан ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхозида шоликорлик бригадаларининг бошлиқларини ўқитадиган республика илғор тажриба мактаблари ҳам ташкил этилади. Техника экиларни ва суғориладиган деҳқончилик бўлими ҳузурида эса суғориладиган ерларда дон етиштирувчи бригада бошлиқларининг, лалмикор деҳқончилик Ўзбекистон илмий текшириш институтида дончилик бригадалари бошлиқларининг, сабзавот ва полиз ҳамда картошка экинлари Ўзбекистон илмий текшириш институтида сабзавоткорлик бригадалари бошлиқларининг, Сирдарё область Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Чимқўрғон» совхозида қорақўлчиларнинг, Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли совхозда чўчқабоқарларнинг, Тошкент паррандачилик фабрикаси ҳузурида эса паррандачиларнинг илғор тажриба республика мактаблари ташкил этилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Профессионал-техника таълими давлат комитетининг қолоқ колхоз ва совхозлар экономикасини кўтариш ҳамда қишлоқ хўжалиги учун малакали кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан ишлаб чиққан таклифларини маъқуллади.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги ҳамда «Узсельхозтехника» бирлашмасига совхозлар ва район бирлашмалари ҳузуридаги 4 ойлик курсларда 1964 йил 15 апрелгача тракторчиларни ўқитиб бўлиш таклиф этилди. Шу муддат ичида экономикаси заиф колхозлардаги тракторчиларнинг малакасини ошириш, шунингдек ҳамма хўжаликларнинг тракторчи-машинистларини кўча қоидалари билан таништириш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги, область партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига агротехника, химизация ва қишлоқ хўжалигининг бошқа масалаларини ўрганиш юзасидан семинарлар ташкил этиш вазифасини юклади. Улар мутахассислар ва ташкилотларнинг бошқа ходимлари билан биргаликда ўн кун ичида илғор тажрибаларни ўрганиш республика ва область мактаблари учун, 1964 йилда ўтказиладиган семинарлар ва курслар учун тахминий ўқув планлари ва программалари тузишлари, ўқишга жалб этилганларни ўқув қуроллари билан ўз вақтида таъминлашлари зарур.

Область партия комитетлари ва ишлаб чиқариш бошқармаларининг партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига, «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва унинг жойлардаги органларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Профессионал-техника таълими давлат комитетига, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига 1964 йилда қишлоқда механизация ўқувини оммавий тус олдириш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлигига илғор хўжаликлар базасида ташкил этилган колхоз ва совхоз раҳбар кадрлари тайёрлаш бир йиллик мактаблари, шу жумладан мазкур мактабларнинг илмий бўлим мудирлари учун министрликка 1964 йилда кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан 50 минг сўм ажратишга руҳсат этилди.

«Узсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузурида иқтисодий заиф хўжаликларга 2040 тракторчи тайёрлаш учун республика бюджетидан маблағ ажратилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекбирлашув» правлениеси зиммасига республика илғор тажриба мактабларида умумий овқатланишни ва кенг истеъмол моллари билан савдо қилишни уюштириш вазифасини юклади.

Илғор тажриба мактабларига юборилган кишиларга Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1962 йил 8 декабрда чиқарган 788-сонли қарори асосида ҳақ тўланади.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига комсомол ташкилотларининг қишлоқ хўжалик кадрлари тайёрлаш ва малакани ошириш мактаблари ва курсларини оталикка олишини, мактаб, курс, семинарларга кишилар танлашда ва қишлоқда механизация ўқувини оммавий равишда уюштиришда комсомол комитетларининг актив иштирокини таъминлаш тавсия қилинди.

Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радио эшиттириш ва телевидение давлат комитетига колхоз ва совхоз кадрлари ўқувининг боришини мунтазам ёритиб туриш, олимлар, мутахассислар ва қишлоқ хўжалик илғорларининг консультацияларини уюштириш топширилди.

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча меҳнаткашлар депутатлари Тошкент қишлоқ область Советининг IX чақириқ тўртинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда область Совети ижроия комитетининг раиси **Э. Шайхов** «Тошкент области халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилларга мўлжалланган давлат плани тўғрисида» доклад қилди. Докладдан сўнг бўлган музокараларда депутатлардан **А. А. Варасов, М. Ўбайдуллаева, М. Йўлдошева, М. Рўзматов, Ж. Ҳайдаров, Ж. Муллажонов, И. Парсаев, И. Хошимов** ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Сессия қатнашчилари кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилдилар.

(Сессия материаллари газетамизнинг келгуси сонида босилади).

ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ

Бизнинг Ватанимиз талантлар мамлакатидир. Халқимизнинг истеъдоди, қобилияти, заковати ва маҳорати битмас-туганмасдир. Жаҳонни қойил этган, маҳорати билан миллионмиллион қалбларни мафтун этган буюк санъаткорлар бизнинг улкан социалистик диёримизда кўплаб етишиб чиқмоқда. Уларнинг ижодий имкониятлари бениҳоядир.

Умумбашарий маданий меросимизнинг олтин хазиналарини барпо этаётган буюк санъаткорларимизнинг камол топишида ва сафларининг тобора кенгайиб боришида халқ талантларининг беқиёс ҳиссаси бор.

Мана Москва, Кремль театри. Зал ва ложалар томошабинлар билан лиқ тўлган. Парда кўтарилиб, саҳнада Ўзбекистон пахтазорлари қамоён бўлади. Миллий музика садолари остида ўйинга тушган раққон йигитлар ва қизлар ҳосил рақсини зўр маҳорат билан ижро этадилар. Ҳофизлар, музикачилар «оқ олтин» диёрининг қувноқ, дилрабо оҳангларини томошабинлар дилларига улайдилар. Саҳнага қуёшли, пахтакор, азамат, бахтиёр ўзбек элининг бир парчаси кўчиб келгандай бўлади. Залда ўтирган томошабинлар улуғ пойтахтга келган ўзбекистонлик халқ талантларини самимий олқишлайдилар.

Кремль театрида ўз санъат маҳоратларини намойиш қилган халқ талантлари областимизнинг Дўрмон қишлоғидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг ҳаваскорлари эди. Колхоз аъзоси бўлган бу ҳаваскорларнинг катта ва рангба-ранг концерт программаси москвалик томошабинларга жуда маъқул бўлди. Колхозчи санъаткорлар нинг ижодий муваффақиятлари юксак тақдирланди. Улар диплом ва мукофотлар олиб қайтдилар. Тошкент тўқимачилик комбинатининг бадиий ҳаваскорлари ҳам яқинда Москвада ўз маҳоратларини намойиш қилиб қайтдилар. Москвалик томошабинлар бу ёш коллективни ҳам самимий табриклаб, уларнинг ижодий ишларига янги муваффақиятлар тиладилар.

Яқинда Оққўрғон районида бўлиб ўтган областимиз меҳнаткашларининг пахта байрамига бағишланган тантаналарда ҳам Калинин ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Ўзбекистон», шунингдек Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли «Шарқ юлдузи» колхозларининг серзавқ, талантли бадиий ҳаваскорлари катта концерт қўйиб бердилар. Халқ талантларининг пахтакор ғолибларга кўрсатган концертлари ўзининг бой мазмуни ва рангбаранг репертуарлари билан томошабинларда катта таассуротлар қолдирди.

Бу икки колхозда, Тошкент тўқимачилик комбинатида ва бошқа жойлардаги бадиий ҳаваскорларнинг ижодий муваффақиятлари бу жойларда халқ орасидан етишиб чиқаётган истеъдодли санъаткорларга қулай шароитлар яратиб берилаётганидан далолат беради.

Дарвоқе, парвоз этиш учун қушга қанот зарур бўлганидек, ижодий юксакликка кўтарилиш учун санъаткор ҳаваскорларга ижодий имкониятларнинг мавжуд бўлиши биринчи даражали вазифадир. Қунт билан тарбиялланган талант, доимий меҳрибонлик кўриб турган ижодкор маҳорат чўққисига бехатар парвоз этади, албатта.

Республикамиз пойтахти Тошкентда ва областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бир неча миг кишилик аъзолари бўлган ҳаваскорлик тўгараклари ишлаб турибди. Ўз устларида қунт билан ишлаб, ижодий маҳоратларини тинмай ошириб келаётган ҳаваскорлар умумхалқ ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ҳаваскорлик тўгаракларининг ижодий маҳоратларини оширишда уларга тажрибали бадиий раҳбарлар биркитиб қўйиш ва керакли чолғу ва саҳна асбоб-ускуналари билан таъминлаш катта роль ўйнайди. Тўгаракка тажрибали раҳбар келса, у ҳаваскорларнинг ғайратига ғайрат, маҳоратига маҳорат қўшади. Пойтахт театрларида ишлаб келаётган атоқли санъаткорлар ҳаваскорлик тўгаракларини оталикка олсалар ва уларга ўз маҳорат мактабларидан таълим берсалар, ёш ҳаваскорларга катта ижодий ёрдам кўрсатган бўлур эдилар. Шунингдек ижодий ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон ёзувчилар союзи ва Халқ ижодий уйи ҳаваскорлик тўгараклари коллективларини янги саҳна асарлари ва қўшиқ текстлари билан таъминлашда амалий ёрдам кўрсатишлари керак.

Ҳаваскор хоҳ ашулачи бўлсин, хоҳ раққоса ёки хоҳ музикачи бўлсин, санъат «сирлари»ни эгаллашда холис мураббий ва янги репертуарлар бўлишини орзу қилади. Шу билан бирга, у чолғу асбоблари, шунингдек, саҳна ёки артистлик кийим-кечаклари беками-кўст бўлиши ижодий муваффақиятлар гарови эканлигини яхши билади.

Афсуски, бу талаб айрим жойларда унутилаётир ва бир вақтлар ашула байрамлари вақтида тузилган ҳаваскорлик тўгараклари ҳозирги вақтда бутунлай ишламай қўйган. Бўка, Бекобод, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл ва Оққўрғон ишлаб чиқариш бошқармаларига қарашли кўпчилик колхоз ва совхозларда ҳаваскорлик тўгараклари тузилмаган, борлари ҳам ўз фаолиятларини тўхтатиб қўйишган.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, шаҳар ва район маданият бўлимлари ҳаваскорлик тўгаракларининг ишларига умумдавлат аҳамиятига эга бўлган иш деб қарашлари керак.

Коммунистик жамият қураётган совет халқи ўзининг порлоқ истиқболи томон бардам қадам ташлаб борар экан, маданий меросга ва халқ талантларининг илҳомбахш кучига зўр ҳурмат билан қарайди. Совет кишилари ўз санъатлари ва маданиятларининг ҳар доим равнақ топиб, баҳор чаманларидай гуркираб барқ уришини истайдилар, ажойиб, янги талантлар майдонга чиқиб, маданий бойлигимизга муносиб ижодий ҳисса қўшишларига орзуманддирлар. Халқимизга маданий хизмат кўрсатиб келаётган, социалистик маданиятимизнинг гуркираб яшнашида салмоқли ўрин тутган ҳаваскорлик тўгараклари ишини ҳар қачонгидан ҳам яхшилайлик, халқ талантларини тинмай, қунт билан тарбиялайлик!

Тошкент саноат область Советининг сессиясини чақириш тўғрисида

1964 йил 14 январда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент саноат область Советининг биринчи чақириқ бешинчи сессияси бўлади.

Сессия ЎзССР Олий Советининг мажлислар залида (Абдулла Тўқаев кўчаси, 5-уй) эрта билан соат 11 да очилади.

Сессия муҳокамасига қуйидаги масалалар қўйилади:

1. Тошкент саноат области халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1964—1965 йилларга мўлжалланган плани.

2. Тошкент саноат областининг 1964—1965 йиллардаги маҳаллий бюджети.

ТОШКЕНТ САНОАТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЛЕНИНЧА ТАШКИЛИЙ ПРИНЦИПЛАР ВА КПСС УСТАВИ

АГИТАТОРЛАРГА ЁРДАМ

КПССнинг XXII съезди партиямиз ва бутун мамлакатимиз ҳаётида жуда катта воқеа бўлди. Съездда партиянинг янги Программаси — коммунизм қуриш программаси, шунингдек янги Устав қабул қилинди.

КПССнинг янги Устави партия ҳаётининг ленинча ташкилий принциплари ва нормаларини ривожлантиришда янги босқич бўлди. Программа ва Устав — партиянинг сиёсий қиёфасини, унинг фаолияти характерини ва йўналишини белгиловчи асосий ҳужжатлардир. Агар КПСС Программаси марксча-ленинча назарияга таяниб, партиянинг бош мақсади — коммунизм қуриш режаларини белгилаб берган бўлса, унинг Устави ана шу мақсадни амалга ошириш йўлидаги курашда энг зарур қурол бўлиб хизмат қилади.

Партия ўзининг бутун тарихи давомида ташкилий масалаларга катта эътибор бериб келди ва ҳозир ҳам шундай қилмоқда. КПСС ташкилий масалаларда ҳам, назария масалаларида ҳам ижодий марксизм-ленинизмга таяниб, ҳаёт тақозо қиладиган янги вазифаларга мувофиқ ҳолда, ўз иш формалари ва усулларини ўзгартиб ва бойитиб боряпти.

Демократик централизм ва коллектив раҳбарликка асосланган партиямиз принципларига шахсга сиғиниш мутлақо зиддир. Шахсга сиғинишнинг зарарли оқибатлари тугатилганлиги партиянинг катта ютуғи бўлди. Эндиликда Марказий Комитет, Ленин даврида бўлганидек, партия съездлари орасидаги вақтда коллектив раҳбарлик органига айланди. 1947 йил февралидан то 1952 йилгача Марказий Комитет Пленуми бирор марта ҳам чақирилмаган бўлса, XX ва XXII съездлар орасидаги даврда Марказий Комитетнинг 20 марта Пленуми бўлиб ўтди. Уларда коммунистик қурилиш ва партия турмушига оид энг муҳим масалалар муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Президиуми планли равишда иш олиб бораётир. Унинг йиғилишлари ҳафтасига камида бир марта ўтказиляпти. Президиум составига Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Грузия партия ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳам киритилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу йиғилишларда Марказий Комитет Президиуми составига кирмаган кўпгина партия, давлат ва жамоат арбоблари ҳам иштирок қиладилар.

Янги Устав Коммунистик партиянинг совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи сифатидаги роли янада ошганлигидан дарак беради. Коммунистик партия ишчилар синфининг авангардидан бутун совет халқининг авангардига айланди, у ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ўз таъсирини кенгайтирди.

Партия ролининг янада ошуви муносабати билан Устав ҳар бир коммунист зиммасига катта вазифалар юклайди. Янги Уставда партия аъзоси бўлиш учун фақат Программани тан олишгина кифоя қилмаслиги, ҳар бир коммунист коммунизм қурилишида актив иштирок этиши лозимлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Уставда партия аъзосининг коммунизм моддий-техника базасини яратиш учун кураши, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда шахсан намуна кўрсатиши, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, барча илғор ва янги нарсаларнинг ташаббускори бўлиши лозимлиги биринчи ўринга қўйилган.

Жамиятимизнинг тараққиёт даражаси билан боғланган бу янги талаб ҳар бир коммунист учун бузилмас қонундир. Ҳар бир коммунистнинг қиёфаси ҳозирги шароитда аввало шу хусусиятлар билан белгиланади.

Партия аъзолари олдига қўйилган муҳим талаблардан бири шуки, улар мамлакатнинг сиёсий ҳаётида, давлат ишларини бошқаришда фаол қатнашишлари лозим. Шу билан бирга, коммунистлар партия қарорларининг сўзсиз бажарилиши учун астойдил курашишлари керак. В. И. Ленин айтганидек, омма орасидаги бутун ишни ҳақиқатан ҳам партия қарорлари руҳида олиб борадиган кишигина партия аъзоси деган юксак номга сазовор бўла олади.

Партия ғоялари ва қарорларини амалга ошириш, партия сиёсатини турмушга татбиқ қилиш йўлидаги курашнинг олдинги сафида бўлиш учун коммунист марксча-ленинча назарияни тинмай эгаллаши лозим. Шу билан бирга, у меҳнаткашларнинг ғоявий савиясини ошириш, коммунистик жамият кишиларини тарбиялаш учун ҳам ҳаракат қилиши зарур. Устав партия аъзоларидан хусусий мулкчилик ҳамда буржуа идеологияси сарқитларига ва бошқа утмиш иллатларига қарши қатъий курашишни талаб қилади.

Партиямиз куч-қудрати ва енгилмаслигининг энг муҳим манбаи — унинг ғоявий бирлиги ва ташкилий жипслигидир. КПСС ўз сафларининг бирлиги ва монолит жипслигини, марксизм-ленинизмнинг софлигини ҳар доим кўз қорачўғидек сақлаб келди ва ҳозир ҳам сақлаб келмоқда. У ўз душманларини ва орқага чекинувчиларни доимо аёвсиз фош қилди, улоқтириб ташлади. Эндиликда, Н. С. Хрушчев айтганидек, партия ленинча партиявийликка мувофиқ келмайдиган фракциячилик ва группабозликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши ташкилий гарантияларни ўз воситаларининг арсеналида сақламоқда. КПССнинг янги Уставида таъкидлангандек, партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини барча чоралар билан сақлаш коммунистларнинг муқаддас бурчидир.

Устав, шунингдек, партиянинг ички демократиясини ҳар тарафлама янада ривожлантиришни назарда тутади. Бу қоида КПСС Программасининг «Партия, коммунистик жамият қураётган халқнинг илғор отряди сифатида, ўз ички партиявий турмушини ташкил қилишда ҳам олдинда бормоғи, коммунистик ижтимоий ўз-ўзини бошқаришнинг энг мукаммал формаларини ишлаб чиқишда намуна ва ўрнак кўрсатмоғи лозим» деган кўрсатмасига асосланади.

КПСС Устави партиянинг бошланғич ташкилотларидан тортиб то Марказий Комитетигача бўлган сайлаб қўйиладиган барча органларини мунтазам равишда янгилаб туриш каби ғоят муҳим тадбирни ҳам кўзда тутади. Партия органларини янгилаб туриш ғояси Ленин томонидан партиянинг II съездида олдинга сурилган эди. Бу масала Совет ҳокимияти йилларида, партия фаолиятининг янги шароитларида айниқса актуал бўлиб қолди. «Сайлаб қўйиладиган органларни мунтазам равишда янгилаб туриш эндиликда партия ҳаётининг бузилмас нормаси, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг нормаси бўлиши лозим, — деган эди Н. С. Хрушчев. — Шу асосда коллектив раҳбарлик принципини энг изчил равишда амалга ошириш учун янги имкониятлар туғилади».

КПСС ҳаётида бошланғич партия ташкилотлари катта роль ўйнайди. Ленин партиямизнинг асоси сифатида бошланғич партия ташкилотларини меҳнаткашлар орасида агитация-пропаганда ва ташкилотчилик ишлари олиб боришда партиянинг таянч нуқталари деб ҳисобларди. Ленининг бу тўғридаги кўрсатмалари КПСС Уставида ўзининг яққол ифодасини топди ва янада ривожлантирилди.

КПСС Устави партия қурилишининг ленинча ғоялари билан суғорилган бўлиб, ленинча ташкилий принципларни ижодий тарзда ривожлантиришда олға қараб қўйилган янги қадамдир.

Совет халқининг янги ҳаёт қуриш соҳасида эришган барча ютуқлари Коммунистик партия ўтказаётган доно сиёсатнинг натижаси бўлиш билан бирга, унинг ташкилий жиҳатдан тўғри тузилганлигининг ҳам натижасидир.

Я. СЕРИЙ,
тарих фанлари кандидати.

Катта химиямизнинг истиқболларини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материаллари меҳнаткашлар томонидан атрофлича ўрганилмоқда. Тошкент Давлат университети тарих факультетида Пленум якунларига бағишланиб лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Суратда: тарих факультетининг 5-курс студентлари бу муҳим ҳужжатни ўзлаштирмоқдалар.

Г. Тихонов фотоси.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ҲАРАКАТДА

Меҳнаткашлар депутатлари Октябрь район Совети ҳузурида жамоатчилик асосида турли соҳалар бўйича 11 та доимий комиссия ишлаб турибди. Ободончилик бўйича доимий комиссия айниқса ташаббус кўрсатиб ишлаяпти. Бу комиссияга депутат А. И. Воловой бошчилик қилмоқда. Комиссиянинг 11 депутатдан иборат аъзоси бор. Улар кўп йилдан бери сайловчиларнинг ишончини оқлаб келаётган, жамоат ва ташкилотчилик ишида бой тажрибага эга бўлган кишилардир. Районни обод ва кўкламзорлаштиришда комиссия катта амалий ва ташкилий ишларни амалга оширди. У район Совети билан келишиб олинган конкрет план асосида иш олиб боради. Комиссия аъзоларининг ҳар ойда бир марта йиғилиши ўтиб туради. Унда ободончиликка доир масалалар, меҳнаткашларнинг талаблари, фикр ва мулоҳазалари муҳокама қилинади.

Район ижроия комитети томонидан ўтказилаётган шанбаликларда доимий комиссия аъзолари зўр ғайрат кўрсатишяпти. Уларнинг ташаббуси билан кўпгина майдонлар, хонадон ҳовлилари, ариқ ва зовурлар, кўчалар тозаланди, назардан четда қолган жойларда санитария ҳолати йўлга қўйилди.

Чорсувлари, Домлеҳкон киска муддатда обод қилинди. Бу ер ишларини кўримсиз эди. Эндиликда кўзингиз қувнаб, баҳри-дилингиз очиладиган ажойиб жой бўлиб қолди. Қуюқ яproқли дарахтлар, гулзор, кўм-кўк майсазор пайдо бўлди. Районни ободонлаштиришда ижроия комитет ва унинг актив депутатлари асосан жамоатчиликнинг кучига таяниб иш тутишди. Бу ишда айниқса доимий комиссия жонбозлик кўрсатди. Натижада ўтган йилнинг ўзида 12 кўча асфальтланди. Сағбон, Чиғотой, С. Раҳимов ва бошқа кўпгина кўчалар капитал ремонтдан чиқарилди. Жаъми бўлиб 1160 минг квадратметрдан кўп кўча, 51 минг квадратметрдан ошиқ тротуарларга асфальт ётқизилди. 272 минг квадратметр йўлга шағал бостирилди.

Доимий комиссия районни кўкламзорлаштиришда ҳам бош-қош бўлиб турди. Бу комиссиянинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан ўтган йили талайгина ишлар қилинди. Ўзгариш, Ўзганча, Свердлов номли маҳаллаларда 2000 тупдан ортиқ ҳар хил дарахт ва бир неча минг туп кўпйиллик гул кўчатлари ўтказилди.

Савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссия ҳам кўзга кўринарли ишлар қиляпти. Уйғур, Кўрғонча, Сағбон ва Қорасарой кўчаларида қўшимча озиқ-овқат магазинлари ташкил этишни сайловчилар район Совети депутатларидан сўрашган эди. Доимий комиссия бу масала билан жиддий шуғулланди. Натижада аҳолининг талаби қондирилди.

Шунингдек, депутат Р. Усмонов раислик қилаётган халқ маорифи бўйича доимий комиссиянинг иши ҳам диққатга сазовордир. Бу комиссияга аъзо бўлиб кирган депутатлар район мактабларини янги ўқув йилига бекаму кўст тайёрлаш соҳасида жонбозлик кўрсатишди. Мактаблар муддатидан илгари, сифатли ремонтдан чиқарилди, ўқув моддий базаси мустаҳкамланди, оталикка олган ташкилотларнинг ёрдами, ота-оналар комитети фаолияти яхшиланди.

Бироқ доимий комиссияларнинг ҳаммаси яхши ишлаяпти деб бўлмайди. Масалан, турар жойлар бинолари бўйича доимий комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифасини яхши адо этмаяпти. Районда уй-жой бошқармаси томонидан ўтказилаётган ремонт ишлари кўнгилдагидек эмас. Квартираларнинг ремонти сифати паст, бунинг устига судраб юборилмоқда. Бу тўғрида квартира эгалари томонидан шикоятлар тушяпти.

Бу муҳим масала билан турар жойлар бинолари бўйича доимий комиссия бевосита шуғулланиши керак эди. Аммо комиссия раиси ва унинг депутат аъзолари бу тўғрида жиддий ташвишланмаётирлар.

Умуман айтганда, доимий комиссиялар Октябрь район ижроия комитетига яқиндан ёрдам беришяпти. Айниқса районни ободонлаштириш ишида депутатлар сайловчиларнинг наказларини яхши бажаришяпти. Уларнинг ишончини оқлашяпти. Бу комиссиянинг ишидан район меҳнаткашлари мамнун.

Т. ҲАКИМОВ.

МЕҲНАТ ШАРАФ КЕЛТИРДИ

Етти йилликнинг бешинчи йили Тошкентдаги саноат моллари билан савдо қилувчи 140-магазин коллективи учун айниқса қувончли йил бўлди. Магазин коллективига янги йил арафасида юксак ном — коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли ном берилди. Хушхабар оғиздан-оғизга ўтиб тез тарқалади деганларидек, Тошкент шаҳар саноат моллари савдосига қарашли бу магазин ходимларининг ибратли ишлари кенг оммалашмоқда.

Яхши меҳнат шараф келтирди. Турган гап, бу шарафли номни олиш осон бўлмади. Бундан икки йил муқаддам бутун магазин коллективи коммунистчасига ишлашга ўтган эди. Ҳар бир ходим ҳам ўз вазифасига чуқур масъулият билан қаради.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида магазин директори Мўйдин ака Аҳадов ўтган йили бир группа савдо ходимлари билан Болгария ва Руминияга бориб келди. Кўрган яхши, эсда қолади деганларидек, қардошларимизнинг савдо хизматини ташкил этиш соҳасидаги ибратли ишлари ўрганиб қайтилди.

— Магазиннинг йиллик товар оборот плани 624 минг сўмдан иборат, — дейди ўртоқ М. Аҳадов.— Коллективимиз ўтган йили ноябрь ойидаёқ 640 минг сўм миқдорида савдо қилиб, йиллик товар оборотни планини ошириб бажарган эди. Жойларда магазинимизнинг саккизта филиали бор. Уларда 21 ходим савдо қилса, шулардан етти киши комсомол аъзосидир. Улар совет савдо ходимига хос фазилатлари билан ходимларнинг ҳурматини қозонишяпти. А. Йўлдошев, Р. Сорокина, З. Эргашев сингари ишчан савдо ходимлари ойлик, квартал планларини 140-150 процентдан бажаришга эришяптилар.

Савдо ходимларининг бу йилги режалари катта. Харидорларга қулай бўлсин деб, жойларда магазинларнинг янги филиалларини очиш тараддуди кўрилмоқда. Янги объектлар савдо маданиятига мос қилиб жиҳозланади. Янги йилда ҳам «Ташпромторг» ҳурмат тахтасидан мустаҳкам ўрин олиш мақсад қилиб қўйилган.

А. АКРАМОВ.

ФАН ОЛАМИДА

ЕЛИМ ОПЕРАЦИЯНИ «ТИКАДИ»

Японялик доктор Сейдзу Кимота тананинг операция қилинган жойини «тикиш» учун тез қотиб қоладиган полимер елимдан фойдаланди. Елим организм учун мутлақо зарарсиздир. Орадан бир неча кун ўтгач, тананинг елим бириктирган жойи бутунлай битиб кетади.

Янги усул қизил ўнғачни, ичакларни, қон томирларини операция қилганда синаб кўрилди. Бу усул нафас йўллари ва йўғон томирларни операция қилган вақтда айниқса зарурдир.

ИККИ ОРОЛ ДЕНГИЗИГА ТЕНГ

Абадий қорлар ва музликлар ҳам ўзига хос сув омборларидир. Олимларнинг ҳисобларига кўра, Урта Осиё тоғларидаги музликларнинг ҳажми тахминан 17 минг квадрат километр бўлиб, ундаги сув миқдори иккита Орол денгизига баравар келади.

ОЛИМЛАР ТАЖРИБАСИ

Ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўзбекистон институтининг олимлари ғўза барги ўсимликларга вертициллиоз вилтини юқтирувчи асосий манбадир, деган хулоса чиқардилар. Олимлар Кўқон таянч пунктида икки йиллик тажриба ўтказдилар. Тажриба қуйидагиларни кўрсатди.

*Институт ходимлари замбуруғ билан зарарланган пахта далаларида ҳосил териб олингандан сўнг, ерга тўкилган барглари йиғиштирдилар, ғўзапоя ва илдизларни юлиб олдилар. Сўнгра, шуларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида ажратилиб, айрим участкаларда ерга кўмилди ва ер ҳайдаб қўйилди. Кўклама ана шу участкаларга чигит экилди. Ҳосил етилгандан сўнг, вилт билан зарарланган ғўза тўпларининг сонини ҳисоблаш ишлари олиб борилди. Ҳосилнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси ҳисобга олин

КОММУНИСТИК МЕҲНАТ УЧУН!

Яқинда машъал «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг катта клубида коммунистик меҳнат бригадаси номини олган ва олиш учун курашаётган зарбдорлар мусобақаси илғорларининг слёти бўлиб ўтди. Қасаба союзлари Совети область комитети ташаббуси билан ташкил этилган бу слётга совхозлар, саноат корхоналаридан 350 га яқин киши келган эди. Ёш пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар, турли касбдаги ишчилар слётда ўзаро тажриба алмашдилар. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қишлоқ хўжалигини химиялаштириш тўғрисидаги кўрсатмаларини ҳаётга тадбиқ қилиш учун, мамлакатга тобора кўп пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун бундан буён қандай тадбирларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида ўзаро маслаҳатлашиб олдилар.

Слётда Тошкент қишлоқ область партия комитетининг секретари А. П. Алимов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Слёт қатнашчилари областнинг барча ёшларига қарата Мурожаат қабул қилдилар.

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари В. Тюпко, Шермат ота Хидиралиев, Т. Охунова ўртоқлар танаффус вақтида слёт қатнашчилари орасида.

ОТАЛАР СЎЗИ — АҚЛНИНГ КЎЗИ

Ҳамма йиғилгану, ҳали слёт бошланганича йўқ. Ёшлар орасида қоматини йигитлардай ғоз тутиб, оппоқ соқоли кўксига тушган нуроний бир мўйсафид юрибди. Ким унинг ёнига яқинлашса, қалби тўла эҳтирос билан таъзим қилиб, унга салом беради, ота билан икки калима суҳбатлашишни ҳавас қилади. Ёшлар фурсатдан фойдаланиб, ундан бирон нарса ўрганиб қолишни истайди. Хўш, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган, кенг кўкрагини олтин юлдуз, қўша-қўша орден, медаллар тўлдирган, юзларидан нур ёғилиб, кўпни кўрган кўзларида бир жаҳон мазмун кашф этган отахон ким? Ҳа, бу отахон шу совхозни ташкил этишда эл қатори ўзни чоғлаб, астойдил бел боғлаб юрак ҳароратини, манглай терини тўкканлардан. Куч-қувватини ҳадя этиб, қадрдон ерлардан тонна-тонналаб ҳосил етиштирган, тинчлик хирмонига йилдан-йилга кўпроқ «оқ олтин» дурдонасини тўкканлардан. Ана шунинг учун ҳам у эл-юрт ҳурматини қозонган, унинг меҳр-муҳаббати кишилар юрагидан чуқур жой олган.

Ўша куни слёт минбарида тик туриб ёшларга қарата айтган маъно тўла сўзлари ҳали ҳам қулоқлар остида жаранглайди. Унинг сиймоси кўзлар олдида худди ўша кунгидай гавдаланиб туради.

— Болаларим, — деди ўшанда Шермат ота, — замонамиз машина замонаси бўлди. Кўриб қувонаман. Нега? Ахир айни кучга тўлган йигитлик чоғларимизда мана шундай қудратли машиналар бормиди? Жуда кам эди. Кетмонга ёпишиб олган эдик. Тонг саҳардан қош қорайгунча омоч ушлаган қўлларимиз қадоқ бўларди. Чигитни экишдан тортиб, ғўзапояни юлгунгача шу қўлларимиз тиним билмасди. Эндичи, кетмон ўрнига трактор қулоғини бураётган, этак ўрнига «зангори кема» этагидан зар тўкаётган сиз фарзандларимни кўрганимда. тўлқинланиб кетаман. Қани дейман, ўша ёшликларим қайтиб келсаю, мен ҳам машина қулоғини бурасам дейман, сиз болаларимнинг сафида бўлсам дейман. Бу билан мен нима демоқчиман: машинанинг қадрига етинг, елкангиздан оғир юкни қўпориб ташлаган машинага чинакам дўст бўлинг, уни ардоқланг, дейман. Ахир партия ва ҳукуматимиз бу машиналарни сиз билан биз учун яратиб бердику, сиз билан бизни бемашаққат ишласин, деб гамхўрлик қилдику. Бугунги йиғилиш боисидан бағоят дилим хушнуд бўлаяпти: сиз болаларим, коммунистчасига яшаб, коммунистчасига ишлаймиз, деяпсизлар. Бунинг учун билим даркор, ҳунар даркор, одоб даркор. Шундай бўлгандан кейин, қани энди ҳар бирингиз билимдон бўлиб, машиналарнинг хўжайинлари бўлсангиз. Сизларнинг ҳар бирингизни ўз тракторингиз билан ер кўксини тилаётганингизда, холис ният билан она ернинг бағрига чигит экаётганингизда, ҳар туп ғўзангизни кўз қорачиғидай асраб, қаторларини ҳам узунасига, ҳам кўндалангига юмшатаётганингизда, кузакка бориб, «зангори кема»ларингиз билан катта хирмонлар уяётганингизни кўрсам, дейман.

Мана мўйсафиднинг юрагидаги бор гаплар. Оталар сўзи—ақлнинг кўзи, деб ана шунисига айтадилар-да. Слётга йиғилганлар падари бузрукнинг ана шу доно маслаҳатларини эътибор билан тинглашди. Тилларида айтмасалар ҳам, дилларида маъқул отахон, шундай қиламиз, деяётганликлари ҳар бир кишининг кўз қарашларидан сезилиб турарди.

ТЕХНИКАНИ ЭГАЛЛАНГ ДЕЯПМИЗ

Валентин Афанасьевич Тюпкони ким танимайди. Унинг номи Ватанимиз бўйлаб шуҳрат қозонган. Юрагида ўти бор, эл-юртига садоқатли, касбини жондан севган бу йигитнинг бошлаган ташаббуси ҳаммани қойил қолдирган. Бир ўзи қадрдон дўсти — трактори билан ҳар гектар ердан 25 центнердан ҳосил етиштирган: пахтанинг таннархини арзонга туширишда рекорд қўйган ўша йилларни ким унутади. Ўзи ер ҳайдаса, чигит экиб эгат олса, етиштирилган ҳосилни ҳам «зангори кема» билан ўзи терса, офарин демай бўладими.

Ҳали яқин-яқинларда сеялка, культиваторларни созлашни билмайдиган, тўғрироғи техникага тиши ўтмайдиган звено ва бригада бошлиқлари оз эмас эди. Эндичи, аксича, юзлаб тюпкочилар жавлон уришяпти. Техникани моҳирлик билан ўзлари бошқараётган ана шу азамат тюпкочилар йилдан-йилга «оқ олтин»дан юқори ҳосил кўтаришяпти. Қандай қилиб? Сабаби аниқ, ерга ўзи хўжайин бўлгандан кейин, техникага ўзи хўжайин бўлгандан кейин, етиштириладиган ҳосилга ўзи жавобгар эканлигини қалбида чуқур ҳис қилгандан кейин, меҳнатга онгли муносабат барқ урганда кейин, мўлжаллаган ҳосилингни олаберасан-да. Агар звено, бригада бошлиғи ўзи механизатор бўлса, шошмашошарликка йўл қўймайди, сон кетидан қувмайди, сифат учун курашади. Ахир, сон кетидан қувса барака топмайди-ку, оладиган ҳақи кўпайиб кетмайди-ку. Бажарган иши сифатли бўлса, харажат камаяди, экини дуркун ўсади, ҳосилни кўп тугади. Колхознинг омборига ҳам, техникани эгаллаган шу звено, бригада бошлиғининг хонадонига ҳам барака киради. Қани қайси бири афзал? Ҳунарни билган афзал, техниканинг хўжайини бўлиб олган афзал.

Валентин Афанасьевич коммунистик меҳнат бригадаси ва зарбдорлари деган шарафли ном олиш учун кураш бошлаган дўстларига— бугунги слёт қатнашчиларига ана шу гапларни айтди. Ким механизацияни севмаса, энди севсин, ким техникани эгаллаб олмаган бўлса, энди уни ўрганиш учун курашсин. Давр талаби шу, деди у.

Дарҳақиқат тўғри, эндиликда деҳқончиликни, айниқса пахтачиликни механизациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ер нима билан ҳайдалади — трактор билан. Чигит нима билан экилади — универсал-сеялка билан, пахта нима билан терилади — «зангори кема» билан, ҳашаротга қарши қандай қурол билан қурашилади — ОДН билан, эндиликда бегона ўтни йўқотиш ҳам химиянинг гардонига юкланмоқда. Бу ҳам техниканинг шарофати.

— Конструкторларимиз, — деди Валентин Тюпко слёт минбаридан туриб, — конструкторларимиз — бизнинг дўстларимиз, ҳамкорларимиз. Улар деҳқон учун — биз учун қандай зарур машина керак бўлса, ихтиро қилишга кучларини, билимларини сарфлашяпти. Биз машина терими вақтида тўкилган пахталарни қайта териш учун қайгирардик. Мана энди, конструкторларимиз тўкилган пахталарни териб оладиган ажойиб машинани ҳам яратиб беришди. Икки теримдан сўнг бу машина ишга туширилса, бир гектар ерда фақат 15 килограмм пахта қоладди. Ҳа, шунинг учун ҳам техникани эгалланг деяпмиз.

Валентин Афанасьевич ўтган йили 2-«Оқ-қўрғон» совхозида ишлади. Унинг бригадасидаги 8 звеконинг ҳаммасига механизаторлар бошчилик қилди. 322 гектар ерда 48 киши ишлади. Ўйлаб кўринг, тасаввур қилинг, ҳар бир звенога 40 гектардан ер тўғри келади. Механизатор бўлган ҳар бир деҳқон пахтакорлик шарафини қадрлаб ишлади, пўлат отига суянган ҳолда меҳнат қилди, ҳаммадан олдин шуни айтиш керакки, булар она-ерни қадрлашди. Етиштирилган ҳосилнинг 90 процентини ўзлари «зангори кема»лар билан теріб олишди. Ҳосилдорлик бир йилда 11 центнерданга ошди. Мана сизга механизацияни эгаллаш-у, механизацияга суяниб иш қилишнинг хосияти.

— Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси бўламан, деган ҳар бир киши, — деди Валентин Тюпко, — жамоат ишида, оилада, юриш-туришда ҳаммага ўрнак бўлиши керак. Одоб уни безаб турсин, бунинг устига механизатор, деган шарафли касб унинг йўлдоши бўлсин.

ДИЛИ-ДИЛИГА ПАЙВАНДЛАР

Ишчи билан деҳқон бир-бири билан қадрдон дўст, бамисоли бир ота-онанинг болаларидай. Ишчи Шермат ота билан Валентин Тюпко мақтовини келтириб таърифлаган қудратли машиналари бунёдга келтириб: деҳқон дўстим, мана бизнинг сенга тортигимиз, шу машиналар жиловини маҳкам тутиб, тоғ-тоғ «оқ олтин» етиштир, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдир, дейди. Деҳқон: ишчи дўстим, балли! Сенинг ақл-идрокинг билан, сенинг забардаст қўлинг билан яратилган машиналарга суяниб ишлаб кам бўлаётганимиз йўқ. Машина бизга мададкор бўлди-ю, орзуларимиз ушалаяпти. Сенга ҳар қанча «оқ олтин» армуғон этсак, дастурхонингни ноз-неъматлар билан тўлдирсак, дилимиз хушнуд бўлади дейди. Мана, ишчи билан деҳқоннинг асл мақсади шу. Коммунистчасига яшаб, коммунистчасига ишлаймиз, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деб ўртага ташланган, кишиларнинг юрак-юрагига сингиб кетган шиорнинг асли маъзи ҳам ана шу.

Ҳа, бугунги слётда худди ана шу руҳни кўрасан киши. Ишчилар деҳқонлар билан бир сафда ўтириб, қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги равнақи ҳақида, дўстлик ва мустаҳкам ҳамкорлик ҳақида суҳбатлашишяпти. Уларнинг фикри-зикри бир жойдан чиқяпти. Дили-дилига пайвандлар деб ана шунга айтадилар-да.

Ўртоқ В. Мельников «Ташсельмаш» заводининг бригада бошлиғи. Ўзининг кўп йиллик халол меҳнати билан обрў қозонган. Уни бугун завод коллективи область совхозларида коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган кишиларнинг слётига вакил қилиб юборган. Мельников слёт қатнашчиларига жонажон заводи ҳақида сўзлар экан, кишиларнинг кўз ўнгиларида ажойиб манзара намоён бўлади. Айни олтин куз палласида пахтазор водилар узра жавлон уриб сузаётган «зангори кема»лар, «оқ олтин» зари билан тўлдирилган прицеплар кино лентасидай бирма-бир ўтади. Шундай. «Ташсельмаш» заводи «зангори кема»лар, прицеплар яратувчи қудратли база.

— Заводимизда,— дейди ўртоқ Мельников ўнлаб коммунистик меҳнат бригадаси бор. Бу бригадаларнинг аъзолари меҳнатда ҳам, хулқ-атворда ҳам, билимга чанқоқликда ҳам бошқаларга ўрнак бўлишади. Бизнинг бригадамизда ўн олти киши бор, ҳар хил миллат фарзандлари. Бир-биримизга қадрдонмиз, бир-биримизга устозмиз. Бир-биримизга шогирдмиз. Уч йилдан бери биринчилик бизнинг қўлимизда. Ютуғимизнинг калиди қаерда? Ҳали айтганимиздай меҳнатга онгли муносабатда бўлишимизда, жонажон Ватанга бўлган садоқатимизда, бир-биримизга дўстлигимизда.

«Узбексельмаш» заводининг слесари ўртоқ Аляков деҳқонлар учун бундан буён янада кўпроқ қишлоқ хўжалиги машиналари етказиб бериш учун курашаётган ўртоқлари— касбдошлари ҳақида ҳикоя қилса. Омон Илёсов Чирчиқнинг фахри, химия комбинати кишилари ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми химиянинг битмас-туганмас хазина эканлигини, химия улкан бойлик эканлигини, ундан самарали фойдаланиш энг муҳим вазифа эканлигини равшан кўрсатди берди. Минерал ўғит ҳам ана шу химиянинг мўъжизаси, маҳсули. Деҳқон шу минерал ўғит билан ерни тўйдириб озиқлантиради, боқиб семиртиради. Ўғит билан кўпчиган ер деҳқондан борини аямайди. Ҳосилни тўкиб ташлайди. Омон Илёсов химия комбинатида деҳқонлар учун ана шундай ер озуқаси тайёрлашни кўпайтириш учун чинакам кураш кетаётганлиги биз учун ифтихор дейди.

ХИМИЯ — ЧИНАКАМ МЎЪЖИЗА

«ЎзССР беш йиллиги» совхози областимизнинг машъал хўжаликларидан бири. Бир неча йилдирки, совхозда ҳосилдорлик тинмай ошиб бораяпти. Пахтанинг таннархи арзонлашяпти. Деҳқоннинг елкасидаги юк енгиллашяпти. Қандай қилиб? Машинанинг шарофати билан, химиянинг шарофати билан.

Ўтган йили салкам 5 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди. 80 процент «оқ олтин» «зангори кема»лар ёрдамида терив олинди. Бунда химия қўл келди. Бу ҳақда совхознинг бош агрономи ўртоқ В. П. Бакулин мана нималар дейди:

— Ҳосилдорликни оширишда минерал ўғитнинг хосияти кўп дейміз. Тўғри, аммо, лекин шу минерал ўғитдан тўғри фойдалана олсаккина, ерни, ғўзани қачон, қанча миқдорда озиқлантириш лозимлигини уқиб олсаккина ҳосияти кўп. Биз шунга амал қиламиз. Ерни ҳайдашдан олдин тўйдирамиз, ғўзани ёшлигидан боқиб серҳосил қиламиз. Ҳа, эрта озиқлантирсанг, эрта оласан. Химиянинг деҳқончиликдаги мўъжизаси шугина эмас. Ғўза зараркунандаларига қарши ишлатадиган химикатларимиз борми? Бор. Пахта теримини муваффақиятли тугаллаш учун ғўза барглариии тўктирадиган дориларимиз борми? Бор. Ана шулардан ишнинг кўзини билиб фойдаланган деҳқонларимиз ўз омборларини «оқ олтин»га тўлдирдилар.

Бакулин совхозда коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган коллективлар ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Х. Жапеш, Р. Нурматов, Р. Давлатов, Катаман, А. Алчиковалар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадалари бор. Бундай бригадаларнинг сони бу йил янада кўпаяди. Коммунистик меҳнат бригадалари «оқ олтин»дан рекорд ҳосил олиб, касбдошларига ўрнак бўлган бўлсалар, хулқ-атворда ҳам ҳаммага намуна бўлишаяпти.

— Ўртоқ Бакулин,— деди Чиноз наслчилик совхози чорвачилик бригадасининг бошлиғи Эргаш Дадонов,— химия ҳақида чинакам мўъжиза деб жуда тўғри айтди. Химия фақат деҳқончиликда эмас, чорвачиликда ҳам ўз мўъжизасини кўрсатаяпти. Ўтган йили ҳар бир сигирдан 4535 килограммдан сут соғиб олинди .Коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга эга бўлган бригадамизнинг илғор сут соғувчилари эришган ютуқлар кўнглимизни хурсанд қилади. Фотима Галибуллина 22 бош сигирнинг ҳар биридан 5070 килограммдан сут соғиб олди. Бўстон Қосимова, Лена Акимова, Галя Бабина ҳам Фотимадан ортда қолишгани йўқ. Боқувга қўйган молларимиз суткасига минг граммдан семирди. Гўшт етиштиришда ҳам кўнгилдаги мақсадга эришдик. Хўш, мен буларни нима учун айтаяпман. Химиянинг чинакам мўъжиза эканлигини амалда кўраётганлигимиз учун айтаяпман. Биз молларга ҳам, соғин сигирларга ҳам мочевина берамиз. Мочевина ем-хашакнинг оқсил моддасини кўпайтиришда катта роль ўйнайди. Бўрдоқига қўйилган молларни тез семиртиради, соғин сигирлар сутини кўпайтириб, сермой қилади. Ҳа, шундай ўртоқлар. Химиянинг бойликларидан самарали фойдаланмоқ керак.

ЎГАЙ ЕР ЙЎҚ

Бир туп мевали дарахтни ҳосилга киритгунча қанча машаққат чекади боғбон. Ер қазийди, ниҳол ўтказади, бачки шохларини қайчилайди, ҳаёт суви беради. Боғ ҳам, ҳовлижой ҳам ана шу ниҳолларнинг кўпайишидан бунёдга келади. Ватанпарвар совет кишиларимиз жонажон партия ва ҳукуматимизнинг жанговар чақириқларига ҳамиша лаббай деб жавоб беради. Қани қўриқ очишга, қани Мирзачўлни ўзлаштиришга! Ана шунда меҳнатим синган боғи-роғим, ҳовли-жойим қолиб кетаяпти, демайди-ку. Нега? Боғи-роғи, ҳовли-жойи бегона кишига қолмайди-да. Ўзи каби Ватан бойлиги учун, юртнинг тинчлиги учун курашаётган дўстларига қолади-да. Агар у қўриқ очишга борса, чўл қувишга борса, нима учун, ким учун бораётганлигини қалбида чуқур ҳис қилади. Шу қўриқ ҳам, шу чўл ҳам худди ўзимнинг боғ-роғимдек обод бўлсин, бу ерда ҳам пахтазор водийлар бунёдга келсин, бу ер ҳам ноз-неъматлар ўлкасига айлансин, жонажон Ватан янада бой бўлсин, эл-юрт янада бадавлат бўлсин, деган олижаноб фикр уни курашга отлантиради-да!

Шундай. Сенинг бригадангда 30—40 центнердан ҳосил кўтарилса-ю, қўшни бригадада 20 центнерданга етмаса, сен ўша ердан қандай қилиб юқори ҳосил етиштириш мумкин эканлигини билиб турсанг, ўша бригаданинг кишиларини ҳалол меҳнатга руҳлантиришга қурбинг етишига ақлинг бовар қилиб турса, нега энди қўшни ерни ҳам ҳосилдор ерга айлантириш учун отланмайсан. Бизнинг кишиларимиз ана шу ҳақда ўйлайдилар. Шу ўй билан яшайдилар, ўгай ер йўқ деган шиорни ўртага ташлайдилар.

Слётда Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Турсуной Охунова, Тошмамат Алижонов каби ўзининг ҳосилдор ерларини дўстларига қолдириб, кам ҳосилли ерларни унумдор ерларга айлантириш учун йўл олган ватанпарварлар ана шу ҳақда гапиришди. Уларни коммунистик онглилик, жўшқин ватанпарварлик шундай олижаноб ишга йўллаган.

Турсуной ўтган йили гектаридан бор-йўғи 15—20 центнердан ҳосил олинаётган ердаги бригадага бошчилик қилди. Унинг касбдошлари Турсуной билан бир сафда, елкама-елка туриб меҳнат қилишди. Она ернинг қадрига етишди. Ўғитлардан вақтида тўғри фойдаланишди. Техникага суянишди. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлик 40 центнерданга етди. Бу нимани кўрсатади? Бу партияга, она-Ватанга, эл-юртга садоқатни кўрсатади.

— Ўтган йили, — дейди Тошмамат Алижонов, — 95 гектар ернинг ҳар гектаридан 28,5 центнердан хирмон кўтардик. Бу йилчи? Дўстим Тўра Жонзоқов билан бирга совхоздан 12 километр узоқликдаги камҳосил 450 гектар ерга чигит экиб, шу ернинг ҳосилдорлигини кўтаришга жазм қилдик. Механизациялаштирилган звенолар асосий таянчимиз бўлади. Камида 25 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз. Бунинг учун ҳозирданоқ кураш бошланган. Ҳа, совхозимиз ўтган йили планни жуда кеч бажарди, бунинг асосий сабабларидан бири мана шунақа камҳосилли ерларни серҳосил ерларга айлантириш учун чинакам кураш бошланмаганлигида. Бу йил камҳосилли ер деган сўзни луғатдан чиқариб ташлаймиз.

Область совхозларида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган шарафли ном учун курашаётиб мусобақалашаётган ватанпарвар кишиларнинг слёти ана шундай руҳда ўтди.

Слётда ўртага ташланган фикрлар олижаноб фикрлар эди. Юракни қитиқлайдиган, ёшларда ғайрат-шижоатни барқ урдирадиган фикрлар эди.

У. ЖОНГИТОВ,
Н. РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.

Суратда: слёт залида.

А. Абалян фотолари.

Қишлоқ хўжалигида коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари сафи ўсиб улғайиб, кенгаяберсин!

КОМСОМОЛ ТЎЙИ

Янги шаҳар маҳалласининг ҳашаматли янги клуби тўй либосини кийган. Клуб деворларидаги хилма-хил бадиий кашталар электр нурида жилваланиб, ёшликнинг юрак ихтиросларига сайқал бериб турибди.

Катта залдаги столларга ёзилган дастурхонлар ноз-неъматлар билан тўла. Дастурхон атрофида ўтирган меҳмонлар шодиёна тўй эгаларини қутлаш учун орзиқишади. Гулдасталар билан безатилган тўрдаги стол келин билан куёвга мунтазир...

Узоқдан қарнай-сурнай овози эшитилди. Залда ҳозир бўлганларнинг чеҳрасида шодлик. Икки ёшнинг никоҳ тўйини ўтказиш учун бугун бел боғлаб хизматда турган маҳалла активлари клуб ҳовлисига чиқишади...

Ҳозиргина олисдан эшитилиб турган музика садоси энди клубда янграй бошлайди. Тўйлар муборак! Музикага ҳамоҳанг куйланаётган ашула бахтиёр ёшликнинг оила ҳаётига бўлган меҳр-муҳаббати, ҳис-туйғуларини тараннум этади, ҳаммада шундай тўйга муяссар бўлиш орзусини уйғотади.

Маҳалла комитети аҳоли билан маслаҳат ўтказиб, бўлажак тўйларни тоғаралар ташвишисиз, эски расм-русмларсиз, янгича қилиб — клубда ўтказишга қарор қилди. Қарорнинг аҳамияти аҳолига чуқур тушунтирилди. Бу тадбир кўпчиликка манзур бўлди.

1-автокомбинатнинг илғор шофери, комсомол аъзоси Н. Султонов биринчи бўлиб никоҳ тўйини янгича ўтказишга ҳоҳиш билдирди. Йигитнинг ҳоҳиши келинга — 1-ипак йигирув фабрикасининг ишчиси Лутфихон Расуловага ҳам маъқул бўлди.

Бугун шу икки ёшнинг орзуси ушалган кун. Улар ўзлари учун аталган жойда — гулдасталар орасида ўтиришибди. Юзлаб қувноқ чеҳралар уларни қутлаб турибди. Комсомол-ёшларнинг шодиёна тўй маросимини қутлаш учун Октябрь район партия комитети ва район ижроия комитети раҳбарлари ҳам бу ерга келишган. Маҳалла комитети раиси, тарих фанлари кандидати Х. Меликулов келин билан куёвга бахт-саодатлар тилаб, тўй кечасини очади. Район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Саматов комсомолларнинг янгича никоҳ-тўйини қалбдан табриклайди. Маҳалла қарияларидан С. Сайдаҳмедов келин билан куёвни ҳаяжон билан қутлайди.

— Мана, кўряпсизларми болаларим! — дейди у, бугунги янгича тўйингиз қандай яхши, қандай файзли ўтяпти. Тўғрисини айтганда, бу тўйингиз меъдамизга теккан, эски расм-русмларсиз ўтяпти. Бундай тўйдан биз кексалар ҳам мамнунмиз.

Тўй кечасида ўзбек Давлат филармонияси артистлари ва Охунбобоев номли шаҳар маданият уйининг ҳаваскорлари шодиёна қўшиқлар, шўх рақслар билан меҳмонларни хушнуд қилишди.

Янги тўйларингиз муборак бўлсин, Янги шаҳар маҳалласинцнг меҳнаткашлари.

М. ИБРОҲИМОВ.

Суратларда: (юқоридан) келин билан куёв шодиёна никоҳ тўйи нечасида қадаҳ уриштириб, қалб ҳароратларини бир-бирларига изҳор этишмоқда. Тўй нечасида ўзбек давлат филармониясининг артисти Абдулла Ҳошимов (пастда) «Тоғора ўйини»ни ижро этмоқда.

СПОРТ ХРОНИКАСИ

ЁШЛАР МУСОБАҚАСИ

Шу кунларда пойтахтимиз спорт базаларида шахмат, теннис ва волейбол бўйича ёшларнинг Бутуниттифоқ зонал мусобақалари давом этмоқда. Бу мусобақаларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, Москва, Харьков, Краснодар ва Ереван шаҳарларининг ёш спортчилари қатнашмоқда.

В. И. Ленин номли пионерлар саройининг шахмат столи атрофида Олмаота, Душанба, Фрунзе ва Тошкент шаҳарларининг шахматчилари куч синашишяпти. Мусобақаларнинг дастлабки уч кунида спортчи қизларимиз пешқадамликни қўлга олдилар. Люся Гольдман (Тошкент) ва Алла Миртичан (Самарқанд) уч имкониятдан 3 очко, Н. Артамонова (Тошкент) 3 имкониятдан 2 очко олиб жадвалнинг энг юқорисига чиқиб олдилар. Ўсмирлар орасида Тошкент ва Фарғона областининг вакиллари М. Рудерфер ва В. Манинлар олдинда бормоқдалар. Улар уч имкониятдан 3 очкога эга бўлдилар.

ТЕННИС

«Пахтакор» ва «Спартак» стадионларида теннис бўйича ёшларнинг Бутуниттифоқ зонал мусобақалари бўлиб ўтди. Тошкент спортчилари Олмаота, Душанба, Фрунзе шаҳридан келган меҳмонларни бир хил (9:1) ҳисобда енгдилар ва биринчиликни олдилар.

ВОЛЕЙБОЛ

Тошкентнинг «Динамо» эрлар волейбол командаси Клайпеду шаҳрига учиб кетди. Улар бу ерда «А» класс командалари ўртасида ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақаларида қатнашадилар. Ҳамшаҳарларимиз Киев ва Москванинг «Локомотив», Ленинграднинг «Спартак» ва АСК, Таллиннинг «Калев» команда лари билан куч синашадилар.

П. КОНОВАЛОВ.

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА СЕМИНАР

Тошкент қишлоқ область партия-давлат контроли комитети область қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва муассасалари партия комитети билан биргаликда семинар ўтказди. Семинарда партия-давлат контроли комитетининг кўмаклашувчи группалари раислари, штатсиз инспекторлари ва бошланғич партия ташкилоти секретарлари қатнашдилар.

«КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми якунлари ва партия-давлат контроли органларининг вазифалари» ҳақида КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси, қишлоқ область партия-давлат контроли комитети раиси ўртоқ Ж. М. Маликов доклад қилди. Семинар қатнашчилари, шунингдек халқаро аҳвол ҳақида ҳам лекция тингладилар.

Семинар қатнашчилари ўзаро иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Г. ХУСАНОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

10 ЯНВАРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 11.00 — **Айиқвойнинг бўтқаси** (диафильм). 11.15— **Ижоднор** (телеинсценировка).

Рус тилида: 11.35 — **Мультипликацион фильм,** 11.55 — **Икки капитан** номли бадиий фильм, 13.25 — **Болалар концерти.**

ОЛМАОТА ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

18.00 — **Телевизион янгиликлар,** 18.15— **Лирик минутлар,** 18.20 — **Узоқ овулда** (чорвадорлар ҳақида). 18.50—**Илмий-оммабоп фильм,** 19.10 — **Концерт** (Консерватория педагоглари ижросида), 19.30 — **Фути-Нути меҳмонлари** (болалар учун). 19.50 — **Мультипликацион фильм,** 20.00 — **Кинохроника,** 20.30 — **Тинч ухланг киччинтойлар,** 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.45 — **Бадиий фильм,** 21.55 —**Камер дуэтлар,** 22.20 — **Рассом блокнотидан,** 22.35 — **Сўнгги ахборот.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕСТУДИЯСИ ЭШИТТИРИШЛАРИ

Рус тилида: 18.00 — **Музикали луғат** (мактаб ўқувчилари учун). 18.55 — **Тошкент янгиликлари,** 19.10 — **Боқеалар, йиллар, одамлар** (телевизион очерк). 19.30 — Н. Аркас. **Катерина** (опера).

Ўзбек тилида: 21.10 — **Тошкент янгиликлари,** 21.25 —**Кўрқоқ** номли бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/I да кундуз **Севилья сартароши,** кечқурун **Дилором,** 11/I да кундуз **Гулсара,** кечқурун премьера **Куба қизи.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —10/I да кундуз **Гамлет, кечқурун Биринчи муҳаббат,** 11/I да кечқурун **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 10/I да кундуз **Тошболта ошиқ,** кечқурун **Зарафшон қизи.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 11, 12/I кеч соат 8 да **Эстрада концертлари.** Солистлардан **Фахриддин Умаров, Муҳаббатхон Мусаева, Дилбар Абдуллаева** ва Ўзбек чолғу асбоблари ансамбли қатнашади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Мактаб ўқувчиларининг каникул кунларида 12/I гача **«Цирнда арча»** ва янги аттракцион — **«Иртқич ҳайвонлар».** Ўргатувчи — **Вальтер Запашний.** Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

КИНО

Ё ўлиш, ё қолиш — «ВАТАН» (кундуз соат 2-40, 4-20 минут ва кеч 7 яримда). НАВОИЙ номли (эрталаб 11 ярим ва кундуз 1-20 минутда), «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ (кундуз ва кечқурун).

Сочи қирилганлар шайкаси — «ВАТАН» (эрталаб соат 11-45, кундуз 1-15 минут, кеч 6 ва 9 яримда), «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

«Никотиана»нинг тугаши (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли (кундуз соат 3, кеч 7-10 минут ва 9 яримда).

Космонавтлар кўчаси — «ВАТАН». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Машаққатли ёшлик — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 да).

Кўр қуш — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 12 да).

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНИГА ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

Ҳақиқий воқеа

Сценарий авторлари — **И. Зверев, Ю. Дунский, В. Фрид.**

Постановкачи — **Владимир Герасимов**

Оператор — **Г. Пишкова.**

Ролларда:

Жанна Прохоренко, Г. Епифанцев, Л. Куравлев, В. Доронинлар қатнашади.

«Мосфильм» киностудияси ишлаган.

Севги ва орзу

Сценарий автори — **Фаик Исмоил.**

Режиссёр — **Ҳисомиддин Мустафа.**

Бош ролларда:

Надия Лутфий, Камол Ашшанавий.

БАРнинг «Камол Ашшанавий ва шериклари» студияси ишлаган.

„Таштекстильшвейобувьторг" магазинларига

ХИЛМА-ХИЛ МАВСУМБОП

САНОАТ ТОВАРЛАРИ:

хотин-қиз ва эркак пальтолари, эркак костюмлари, турли фасон ва тусда хотин-қиз кўйлаклари, шимлар, эркак кўйлаклари, эркак плашчлари ва бош кийимлари, шойи ва жун газламалар, эркак ва хотин-қизлар учун драплар, ҳар хил тусда кўйлаклик жун газламалар, штапель ва ип газламалар, эркак, хотин-қиз ва болалар учун пойабзаллар

келтирилди.

ГАЗЛАМА МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

№ 18 — Октябрь бозорида.
№ 43—Полиграф кўчаси, 8-уйда.
№ 54, 56 — Олой бозорида.
№ 62 — Карл Маркс кўчаси, 29-уйда.
№ 65 — Киров кўчаси, 35-уйда.
№ 94 — Госпиталь бозорида.
№ 101 — Сельмаш кўчаси, 3-уйда («Ташсельмаш» заводи рўпарасида).
№ 102 — Ўзбекистон кўчаси, 10-уйда.

ТИКИЛГАН БУЮМЛАР СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИ:

№ 61 — Карл Маркс кўчаси, 24-уйда.
№ 64 — Киров кўчаси, 33-уйда.
№ 78 — Госпиталь бозорида.
№ 122 — Волгоград кўчаси, 10-в уйда (Чилонзор).

ПОЙАБЗАЛ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

№ 12 — Октябрь бозорида.
№ 66 — Ленин кўчаси, 37-уйда.
№ 74 — Кафанов кўчаси, 6-уйда (Госпиталь бозори рўпарасида).
№ 97 — Шота Руставели кўчаси, 59-уйда.
№ 100 — Сельмаш кўчаси, 3-уйда («Ташсельмаш» заводи рўпарасида).
№ 120 — Волгоградская кўчаси, 10-а уйда (Чилонзор).

ГАЗЛАМА, ТИКИЛГАН БУЮМ ВА ПОЙАБЗАЛ МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

№ 19 — Октябрь бозорида.
№ 21 — Октябрь бозорида (газлама ва кийим).
№ 47 — Новомосковская кўчаси, 18-уйда (газлама ва пойабзал).
№ 69 — Тарас Шевченко кўчаси, 13-а уйда (кийим ва газлама).
№ 70 — Чехов кўчаси, 10-а уйда (газлама ва пойабзал).
№ 99 — Гагарин кўчаси, 7-уйда (газлама, кийим ва пойабзал).
№ 116 — Полиграф кўчаси, 119-уйда (газлама, кийим ва пойабзал).
№ 121 — Черёмушки кўчаси, 29-уйда (газлама, кийим ва пойабзал).

Халқаро аҳвол

Л. ЖОНСОННИНГ КОНГРЕССГА МАКТУБИ

ВАШИНГТОН, 9 январь. (ТАСС). АҚШ президенти Линдон Жонсон мамлакатдаги аҳвол тўғрисида кеча конгрессга мактуб юборди.

Жонсон «Жон Фитцжеральд Кеннедининг планлари ва программалари тўғри эди, шунинг учун уларни амалга оширайлик», деб даъват қилди.

«Урушсиз дунё, — деди у, — бизнинг асл мақсадимиздир». «Биз, — деб давом этди Жонсон, — Шарқ билан Ғарбни бир-биридан айириб турган жарлик устига кўприк солиш учун иттифоқчиларимиз билан биргаликда янги воситаларни қидириб топмоғимиз ҳамда хавф-хатар вужудга келган тақдирда ана шу хавф-хатарнинг бетига дадил қарашимиз, шу билан бирга, умидларимизни мустаҳкамлай оладиган ва айни маҳалда бировларнинг манфаатларига путур етказмайдиган янги битимлар тузиш йўлларини излашимизда ҳам анча дадил бўлмоғимиз керак».

Қўшма Штатлар, деди президент, ўзининг ҳарбий қудратини сақлаб қолмоғи ҳамда «озодлик ишини ҳимоя қилиш»га шай бўлиб турмоғи лозим.

Қурол-яроғларни контроль қилиш ва аста-секин йўқ қилиш хусусида мактубда бундай дейилади: биз янги қадамлар қўймоғимиз керак, бинобарин, биз Женевада янги таклифлар киритамиз. Жонсон бу таклифлар нималардан иборат эканлигини конкрет айтмади.

«Ҳатто ҳали битим тузилмаган шароитда ҳам биз ўзимизга кераклигидан ортиқча қурол-яроғ жамғармаслигимиз ҳамда ҳаддан ташқари катта ҳарбий қудрат барпо этишга интилмаслигимиз керак, бундай ҳарбий қудрат урушга даъват этувчи ҳамда бебилиска сарфларга олиб борувчи бўлиб қолиши мумкин», — деди сўнгра Жонсон.

Ана шу мақсадларга амал қилиб, деди президент, биз мана шу молия йилида сараланган уран ишлаб чиқаришни 25 процент қисқартирмоқчимиз, тўртта плутоний реакторини ва каттароқ аҳамиятга эга бўлмаган кўпгина ҳарбий объектларни ёпиб қўймоқчимиз.

Жонсон шу нарсани такрор-такрор уқтириб айтдики, АҚШ ўзининг ҳарбий тайёргарликларини бўшаштиришни асло 'мўлжаллаётгани йўқ, балки шу мақсадларга ажратилаётган маблағларни самарали тарзда сарфлашни мўлжаллаяпти, холос.

Жонсон ўз мактубида космик фазони тадқиқ қилишни давом эттириш зарур, деб таъкидлади.

Мактубда асосан АҚШнинг ички аҳволига эътибор берилади. Жонсон АҚШда қашшоқликка қарши, ишсизликка қарши, ирқий камситишга қарши ва шу каби бошқа ишларга қарши курашнинг кенг, лекин умумий программасини илгари суради. Мактубда таъкидланишича, АҚШдаги аҳолининг бешдан бир қисми қашшоқлик исканжасида кун кечириб келмоқда.

Жонсон АҚШнинг 1963—1964 молия йилида давлат бюджети бир оз қисқартирилажагини ҳам эълон қилди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● Франция пойтахтининг энг йирик кинотеатрларидан бири бўлган «Кинопанорама» китотеатрида совет панорам фильми — «Крепостной актриса» фильмининг премьераси бўлди. Томошабинлар совет фильмини самимий кутиб олдилар.

● Индонезия президенти Сукарно Манилага келди. У Филиппин президенти Магапагал билан ҳар икки мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисидаги масалани ва Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволни муҳокама қилиш ниятидадир.

ФИН ТИЛИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 7 январь. (ТАСС). Н. С. Хрушчев нутқларидан иборат «Социализм ва коммунизм» деган тўплам бу ерда «Юхтейстюз» нашриётида фин тилида босилиб чиқди ва сотилабошлади. Совет ҳукумати бошлиғининг 1956 йилдан 1963 йилгача совет матбуотида босилган докладлари ва нутқларидан иборат яна тўртта тўпламни ҳам шу нашриёт яқинда босиб чиқаради. Бу беш тўплам ҳаммаси бўлиб 20 минг нусхада нашр этилади.

ҲИНД-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ТОШКЕНТ — ПАТИАЛА

Ҳиндистон-Совет маданий алоқа жамияти Панжоб штатидаги филиалининг делегацияси Ўзбекистонда икки ҳафтадан буён меҳмон бўлиб турибди. Бу делегация Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти Ўзбекистон бўлимининг таклифи билан республикамизга меҳмон бўлиб келган эди.

Делегация аъзолари Фарғонага қилган сафарларидан қайтиб келдилар. Улар Фарғонада нефтни қайта ишлаш заводини, Марғилон шойи комбинатини, «Ленинград» колхозини бориб кўрдилар. Фарғона сафарининг охирида Совет-Ҳиндистон дўстлигига бағишланган катта митинг ўтказилди.

Делегация бошлиғи профессор Рамеш Валия Фарғонага қилган сафаридан олган таассуротлари тўғрисида қуйидагиларни айтди:

— Жамиятимизнинг бўлими ишлаётган Патиала шаҳри ва Фарғона шаҳрининг аҳолиси бир хил миқдорда эканлигини ва улар Шарқнинг типик шаҳарлари эканлигини қайд қилиб ўтиш мароқлидир. Аммо, кўркам Фарғона ўзининг шарққа хос колоритини сақлабгина қолмай, балки Европа маданиятининг энг яхши хусусиятларини ҳам қабул қилиб олган. Заводлар, концерт заллари, газопровод ва электр линиялари ана шу буюк синтезнинг аломатларидир.

Панжоб делегациясининг аъзолари яқинда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Х. Асомов ҳузурида бўлдилар. Суҳбат давомида республика пойтахтининг кўп қиррали ҳаёти тўғрисида меҳмонларга сўзлаб берилди.

Совет ҳокимияти йилларида,— деди делегация аъзоси Сэт Тандон, — ўзбек элида қилинган жуда катта ишларни ҳеч нарса билан таққослаб кўриш мумкин эмас, чунки бундай тараққиётга ҳатто «Аловуддиннинг мўъжизали чироғи» билан ҳам эришиш қийиндир. Социализм деган гўзал ном билан аталган социал тузумгина бунга эриша олади. Шаҳар ижроия комитетининг раиси Х. Асомов Патиала шаҳри муниципалитетига тақдим этиш учун меҳмонларга Тошкент шаҳар Советининг мактубини топширди. Бу мактубда ҳар иккала шаҳар ўртасида дўстона алоқа ўрнатиш таклиф этилади.

«Биз, —дейилади мактубда,— Патиала шаҳри муниципалитети билан бевосита дўстона алоқа ўрнатилишидан, шаҳар хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги энг муҳим тажрибаларни сизлар билан доим айирбошлаб туришдан жуда хурсанд бўлур эдик».

Делегация аъзоларига мактуб билан бирга вимпел ҳам топширилди. Бу вимпелга шу сўзлар ёзилган: «Патиала шаҳри муниципалитетига дўстлик нишонаси учун Тошкент шаҳар Советидан».

Профессор Рамеш Валия мактубни ва вимпелни қабул қилиб олар экан, бундай деди:

— Патиала Тошкент шаҳрининг самимий дўстлигини ифода этувчи ана шу эстафетани хурсандчилик билан қабул қилиб олади. Тошкент шаҳар Советининг ташаббуси туфайли жаҳонда яна икки дўст, икки қардош шаҳар пайдо бўлади. «Тошкент-Патиала» сўзлари дўстлик тушунчасининг янги рамзи бўлиб қолади.

Панжоблик меҳмонлар Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқлари ўртасида маданий ҳамкорликни мустаҳкамлаш соҳасидаги буюк миссияларини бажаришни давом эттирмоқдалар. (ЎзТАГ).

Панжобнинг амалий санъати

Ўзбекистон ССР санъат музейида чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа республика жамияти томонидан ташкил этилган Панжоб амалий алоқа жамиятининг филиали ўзбек томошабинлари учун тайёрлаган.

Виставкага қўйилган кўпгина экспонатлар Ҳиндистон республикасининг ўн олти штатидан бири — Панжоб аҳолисининг қадимги маданий ҳаёти ва урф-одати ҳақида ҳикоя қилади. Бу ерда дарахт ва металлдан ишланган заргарлик буюмлари, костюм, болалар ўйинчоқлари, хилма-хил мато ва бошқа экспонатларни кўриш мумкин.

Панжобликлар дарахтдан хилма-хил уй-рўзғор буюмлари, чолғу асбоблари ясашга жуда моҳирдирлар.

Залга киришингиз билан диққатингизни деҳқон, ишчи аёл, дўмбирачи ва панжобча миллий рақса тушаётган рақкосларни акс эттирувчи декоратив фигуралар ўзига тортади. Заргар буюмлари ҳам виставкадан кенг ўрин олган. Чунки ҳиндистонлик аёлларнинг зебу зийнатларга ўч бўлиши ҳаммага маълум. Шунга кўра бу ерда исирға, билагузук, марварид ва бошқа нарсаларни кўплаб кўриш мумкин.

Ранг-баранг мато, костюм, миллий пойабзал кийимлари ҳам виставкадан кенг ўрин олган.

О. АПУХТИН.

Суратда: ҳиндистонлик меҳмонлар санъат музейида.

М. Нуриддинов фотолари.

Дўстлигимиз мустаҳкам

ЧИРЧИҚ, (ЎзТАГ). Бу ерда шаҳар меҳнаткашларининг Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари жамияти бўлими тузишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлди. Йиғилишда Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келган Ҳиндистон-Совет маданий алоқа жамияти Панжоб бўлими делегациясининг аъзолари қатнашдилар.

Қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар Ўзбекистон комбинатининг директори В. Ҳайдаров СССР ва Ҳиндистон Республикаси халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик алоқалари тўғрисида доклад қилди. Докладчи Чирчиқда жамият бўлимини тузиш ҳақида таклиф киритди.

Йиғилиш қатнашчилари Чирчиқда жамият бўлимини тузиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар. Ижроия комитети сайланди. В. Ҳайдаров — ижроия комитетининг президентидир.

Йиғилиш қатнашчилари Совет-Ҳиндистон маданий алоқалари Бутуниттифоқ жамиятига, Бомбайдаги Ҳиндистон-Совет жамиятига ва Ҳиндистон Республикасининг СССР даги элчиси жаноб Трилоки Каулга хатлар юбордилар.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими —31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 06324. ИНДЕКС 64695 Нашр. № Б 1666.